

ИНСОН ва КОНУН

2

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

2019 йил 12 февраль

сешанба № 5 (1157)

e-mail: insonvaqonun@adliya.uz

www.insonvaqonun.uz

t.me/ivquz

fb.com/ivquz/

САҲИФАЛАРДА: |||||

Ўзбекистон кучли
20 таликка
кира оладими?

Бизнес юритишин осонлаштириш учун кўп нарса керак эмас. Ислотчиларда мақсад, хоҳиш ва сиёсий ирова бўлса, депутатлар инсон манфаатларини ўйласа, пораҳурларнинг эсига инсоф, виждан, деган нарсалар тушса бўлди.

2-БЕТ


Рейхстаг деворида
“Тошкент”, деган ёзув бор

Рейхстаг деворларида совет аскарлари битган ёзувлар, хусусан, бундан 74 йил илгари номаълум ҳамортишимиз томонидан ёзib қолдирилган “Тошкент” сўзи ҳам ҳалигача сақланиб турибди.

4-БЕТ

Ўқувчиларнинг
МОБИЛ ТЕЛЕФОНДАН
фойдаланишини
тақиқлаш керак(ми?)

3-БЕТ



“Раис” тадбиркорни чув
туширди

Жаббор бир думалади-ю, “шахар ҳокимининг ўринбосари”га айланди, у Чилонзордаги кабобхоналарнинг бирида кабобхўрлик қилди. Тановулдан сўнг “ҳоким ўринбосари” кабобчини чақириб у билан танишиш нияти борлигини айтди.

5-БЕТ

Кўчаси бору номи йўқ,
уйи бору раҳами йўқ



ЖУРНАЛИСТ
КУЗАТУВИ

— Уйимизнинг раҳами, кўчамизнинг номи йўқ-да. Бунинг устига ҳамма уйлар бир хил бўлса. Бу ерда ким “Тез тиббий ёрдам” чақирса кўчага чиқиб кутиб олади.

11-БЕТ



Шахназа ТҮРАХҮЈАЕВА,
журналист

ШУ кунларда "Бизнес юритиш" халқаро рейтинги күп тилга олинайти. Бунга икки сабаб бор: биринчиси, 2018 йилнинг октябрь ойи охирида Халқаро банкнинг "Бизнес юритиш 2019: тренинглар ва ислоҳотлар" номли маърузаси, иккинчиси эса куни кечакабул қилинган Президенттимизнинг ПҚ-4160 сонли Қарори.

Мақола ана шу икки ҳужжат ҳақида.

Аввало, "Бизнес юритиш" маърузаси ўзи нима, деган саволга жавоб берсак.

"Бизнес юритиш" маърузаси (*Doing Business Report*) — Жаҳон банки маҳсус гурӯхининг ҳар йили дунёдаги 190 мамлакатда бизнес юритиш шароитларни 10 та кўрсаткич бўйича таҳлил қилиб, натижаларини жамлаган маърузадир. 18 йилдан бери тайёрлаб, ёълон қилиб келинадиган ушбу маъруза тадбиркорлик фаолиятини бошлашдан тортиб уни олиб бориши ва якунлаш (корхонани ёпиши)га қадар жараёнларни тартибига соладиган ҳуқуқий нормалари баҳолаб бориша қаратилган.

"Бизнес юритиш 2019: тренинглар ва ислоҳотлар" номли сўнгти маърузада айтилишича, охиригина йилда бутун дунё бўйлаб ишбильармонлик мухитини яхшилашга қаратилган 314 та ислоҳот қилинган. Бу турли мамлакатлар ҳуқуматлари томонидан амалга оширилган тадбиркорлик мухитини яхшилашга қаратилган ўзғаришларниң ўзига хос рекорд кўрсаткичидир.

Маъруза ёълон қилиб келинаётган сўнгги 16 йилда эса дунё бўйлаб тадбиркорлик соҳасини яхшилашга қаратилган жами 3500 та тараққийларвир ислоҳот амалга оширилган.

Энди бевосита Ўзбекистон натижаларига тұтталас.

Бундан 5 йил аввал юртимиз ушбу рейтингда 190 та мамлакат орасида 149-йиринда турар эди. Сўнгти йилларда бу кўрсаткич сезиларни даражада яхшиланди ва Ўзбекистон рейтингда 76-йиринга кўтарилиди.

Албатта, рейтинг нисбийлик асосига курилган. Бир давлат ўзи амалга оширган ислоҳотлар билангина рейтингда юқори-лаб боравермайди. Чунки мусобакадош бошқа мамлакатлар ҳам қараб турмайди. Улар ҳам бизнесни кулияштириши йўлида ўзғаришлар қиласди. Шунга кўра, сўнгти йилларда Ўзбекистонда ислоҳотлар шиддати суаймаган, аксинча, ортган бўлса-да, рейтингда иккى погонага пасайдик. Сабаби, бошқа давлатлар ҳам жуда кўп ўзғаришлар қиласди.

Масалан, 2018 йилда Афғонистон, Жибони, Хитой, Озарбайжон, Ҳиндистон, Того, Кения, Кот-д'Ивуар, Түркия ва Руандада ёнг кўп ўзғаришлар килган давлатлар қаторидан саналган. Амалга оширилган жами 314 та ўзғарышнинг учдан бир қисми, яъни 107 таси Африканинг Сахарадан жанубдаги давлатлари хиссасига тўғри келади.

Юқорида тилга олинган 10 та пункт бўйича Ўзбекистонда энг яхши кўрсаткич "Корхоналарни рўйхатта олини" йўналишида

Ўзбекистон кучли 20 таликка КИРА ОЛАДИМИ?

қайд этилган, ушбу мезон бўйича Ўзбекистон жаҳонда 12 ўринда туради. Энг ёмон кўрсаткич эса "Халқаро савдо" йўналишида бўлиб, биз 165-йиринда турибмиз (ўтган йили 168-йирин эдик).

Демак, ислоҳотлар янада жадал бўлиши, мамлакатда тадбиркорлик мухитини тубдан яхшилаш чоралари кўрилиши, жиддий ўзғаришлар мунтазам ва тизимли тарзда амалга ошириб борилиши лозим. Буни яхши англган мамлакат раҳбарияти ўз олдига жиддий мақсад кўйди ва зарур чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқди.

МАҚСАД КЕЙИНГИ УЧ ЙИЛДА КУЧЛИ 20 ТАЛИККА КИРИШ!

"Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг "Бизнес юритиш" йиллик хиботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўрисида"ги Президент Қарори айнан шу мақсадда қабул қилинган.


Қарорда юқорида тилга олинган 10 та ўйнолашининг ҳар бирин бўйича Республикада амалга оширилиши лозим бўлган қатор енгилликлар кўзда тутилган. Энг кўп ўзғариш курилиши соҳасида бўлади. Бундан ташқари мулкни рўйхатдан ўтказиши, электр таъминоти, миноритрат акциядорларни химоя қилиш, контрактлар икросини тъзимлаш, халқаро савдо соҳаларни кўплаб ишлаб берлиши кўзда тутилмоқда.

Қатор бюроқратик тартиблар бекор қилинмоқда (масалан, тадбиркорлар энди муҳорис ҳам фаолият юритилиши мумкин, корхонани Давлат хизматлари Агентлигига бир неча даққикалардаги рўйхатдан ўтказиш сўнг ўша ернинг ўзидаги банкдан хисоб рақами очиши мумкин бўлади, курилиш-монтаж ишларини амалга ошириш учун руҳсатнома керак эмас ва ҳозар), электрон ҳужжат алмашинуви кенг ўйланиши мумкин, хиссадорлар ҳуқуқлари ҳимоя қилинмоқда.

Ўзбекистон рейтингидаги 2020 йилда — 66, 2021 да — 33 ва 2022 да — 20-йиринга кўтарилиши керак (шиддатга ётибор беринг).

Бу мақсадга эришиш мумкинми? Рейтингда юқори ўрин олиш бизга нима беради? Қарорнинг аҳамияти қандай? Охир-оқибат биз нимага эришамиз?

Ушбу саволлар билан хусусий сектор вакиллари, тадбиркор ва иктисадчи мутахassisларга муроҳат килдик. (Қарорда бундан кейин рейтингда юқори-лаб бориши чора-тадбирларини ишлаб чиқишида хусусий бизнес вакиллари билан мунтазам маслаҳатлашиб бориши вазифаси ҳам белгиланган).



Зафар ҲОШИМОВ, тадбиркор:

МАРРАНИ ЮҚОРИ ОЛИШ ЛОЗИМ

— Doing Business Report мутахassisларни ҳар йили бизнес йўлидаги тўсигуларни, кўйинчиликлар ва шарт-шароит ҳақида объектив маълумот олиш учун тадбиркорларнинг кенг қатлами орасида сұхбатлар ва интервьюлар ўтказишади. Биз у сўровномаларда мунтазам қатнашиб борамиз. Ушбу жаҳрон билан бевосита таниш инсон сифатидаги айтилиши мумкин, рейтингда 20 таси Африканинг Сахарадан жанубдаги давлатлари хиссасига тўғри келади.

Расмийчилик ва қоғозбозликнинг кўплиги тифайли қанчадан-қанча бизнес ғоялар амалга ошмай қолиб кетди. Бизнес қила-

ман, деб турли ташкилотларга бориб, бози бир-икки деворга урилиб, охири менинг кўлимидан келмас экан, деб ташлаб кетган тадбиркорларнинг йўқотилган ғоялари туфайли иқтисодимиз бой берган нарсаларни биз ҳали ҳисоблаб чиқмадик.

Биз чакана савдо билан шугулланамиз.

Асосий ишмиз харидорга кўпайлик яратиш, маҳсулотни сифатли ҳолатда етказиб бериш, нархларни тушириш устида боз қотириш ва ҳозар. Аммо бунинг ўнинг бошқа ташкили ишлар, оворагарчиликларга ўзимизни, вактимизни ва бошқа ресурсларимизни сарфлашимиз. Тўртта одам қиласётган ишнан битта одам қўлса, албатта, хизматларимиз ва маҳсулотларимизнинг наризи тушади, рақобатбардошлигимиз ошади, бизнес ривожланади, ҳалқа ҳам яхши бўлади.

Бизда ишчи кучи арzon, энергия ресурсларимиз бор, аммо нега бизнес қилиши кийин эди? Чунки бюроқратия ва сунъий тўсиқлар туфайли инвестицион жозимизни ўйкотиб қўйанди.

Бизнес юритишни соддалашириш, аслида, биз ўйлаганилик оғир иш эмас. Бу ерда кўп нарса сиёсий иродага боғлиқ. Қарорда белgilanган чора-тадбирларни амалга тўлиғ татбиқ қилиш мансувларнинг идораларда ишлабтаган шахсларнинг сиёсий иродаси ва мағкуравий етуклигига енгилликлар берлиши кўзда тутилмоқда.

Қарорда мен мамлакат раҳбариятининг катта сиёсий иродасини кўрдим. Энди куйи номонадаги раҳбарларнинг ахволни нақадар тушиуниши, ўз шахсий ва корпоратив манфаатларидан мамлакат манфаатлари йўлида воз кечга олиши, бунга куч ва иродаси етишига кўп нарса боғлиқ.

Давлат ўзи корхоналар очиб, ишчи ўйнолашининг ҳар бирини яхшилашга көрсатиб берса, тадбиркорлар ҳам кўлпайди, иш ўринлари ҳам яратилиди, фаровонлик ҳам ошади.

Хорижлик тадбиркорлар инвестиция олиб киришдан аввал, албатта, ушбу рейтингни ва биздаги ҳолатни үрганишади. Кузатишлари натижасидан қониқсалар, маблаг олиб кирадилар. Яъни рейтингда юқорида туфайли мамлакатимизнинг инвестицион жозибаси ортади.

Ушбу Қарорда белgilanган чора-тадбирлар ва умуман мақсадни ҳуда ижобий баҳолайман. Давлатдан шундай ташаббус чиқаётгани мени ислоҳотларга оптимистик назар билан қарашга уйяди. 20 талик эмас. 30 таликка, боринг, 40 таликка кирсан доим юқори олиш керак.



Алишер АБДУЖАББОРОВ, хиссаси
тадбиркор, иктисадчи:

СОН ЭМАС, СИФАТ МУҲИМ

— Қарорни ўқиб чиқдим. Очигини айтадиган бўлсан, унда белgilanган чора-тадбиркорларнинг амалга ошиши, умуман, ушбу рейтингда кўтарилиш биз учун зарар келтирмайди. Мақсадга эришиш имкониятимиз ҳам бор: Грузия кучли 10 таликка кирсан, демак Ўзбекистон ҳам кучли 20 таликка кириши мумкин.

Аммо мақсад фақат ўринлару кўрсатиб ортидан кувиши бўлиб колмаслиги керак. Охир-оқибатда мазмунан ўзгаришилар ҳам бўлиши лозим.

Масалан, электрон ҳуқуматни ҳам эзгу мақсадлар учун жорий қилдик. Лекин ушбу электрон тизим накадар кулаш? Е-Контракт, деган дастур мөхиятнан оддий тадбиркорнинг ишни осонлашиш учун жорий этилган, аммо амалда Е-Контрактни тўлдириши ўрганиш учун одамлар 10 кунлик курсада ўқишилти... Яъни, осонлашириш мақсадида килинган иш охир-оқибат қўйинчиликлар туддиралити. Қарордаги чора-тадбирларнамалга оширишида шу ҳолатлар тақорланылшиллиги лозим.

Бизнес юритишни осонлашириш учун кўп нарса керак эмас. Ислоҳотларда мақсад, ҳоҳиш ва сиёсий иродада бўлса, депутатлар инсон манфаатларини ўйласа, по-раҳуларнинг эсига инсоф, вижон, деган нарсалар тушса бўлди. Ишни бошиданоқ пухта қилиш ҳақида ўйланса, албатта, биз фақат рейтингларда юқорида курилган амалда кўрмай.

ЎҚУВЧИЛАРНИНГ МОБИЛ ТЕЛЕФОНДАН фойдаланишини тақиқлаш керак(ми?)



Хавотир

УЙДАН ЧИҚМАЙ ЁМОНГА ҚҰШИЛГАН БОЛА

ЖАХОНДА рўй берадиган глобаллашув жаънларни бола хукук ва ёрникликларини янада ишонччилик, ҳимоя қилиши, уларни турпли ғоявий хуружлар, тажовузлардан асрар, улар орасидаги хукукбузларнигина олдинги олиш тобора мухим аҳамият касб этмоқда.

Бир пайтлар махаллода битта хули ёмон бола бўлса, ота-оналар "қозонга якин юрсанг, қораси ўқар", деганларидай фарзандлари ёмонларга кўшилиб кетишидан жони ҳалак бўларди. Бугун эса бола уйдан чикмасдан ҳам "ёмон"ларга кўшилиши, интернет орқали чекланмаган зарарли ахборотларни олиш имконигига эга. Хонасидан, ҳатто овқатланишга ҳам кишишни хушламайтган боласи хақида ота-она "дарс килиб ўтириби-да", деган янглиш ҳаёлга бориши оддий ҳолга айланаби қолган.

Ахборот ресурсларидан кўр-кўрана фойдаланиш вояги етмаганларни турли жиноятлар, ҳуңрезликлар, қабиҳликлар, ваҳшийликларга ундаш билан бирга, уларнинг қалбидан одамийлик, меҳр-оқибат, раҳм-шағфат, имону инсоф каби муқаддас тўйгуларни сиқиб чиқаради. Улар ёшлил онгига турли-туман гайриинсоний, гайриаҳлоқий ғояларнинг, диний қараашларнинг пайдо бўлиши ва ривожланшида мухим омил бўлади. Хуш, болалар соглигига, маънавий камолотига зарар етказишга ахборотлар нималардан иборат? Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 15 майдаги “Болаларни уларнинг соглигига зарар етказувчи ахборотдан химоя қилиш тўғрисида”ги Қонуники мувофиқ бундай ахборотлар жумласига:

бопаларни уларнинг хәтига ва (ёки) соглиғига хавф соладиган хатти-ҳаракатларни содир этишга, шу жумладан, ўз соглиғига зарар етказишга, ўз жонига қасд қилишга ва шундай ҳаракатларни тарғиб қилишга уйнайдиган;

бопаларда алкоголли ва тамаки маҳсулотларини, гиёхандлик воситаларини, психотроп моддаларни ёки ақл-ирода фаолигига таъсиру этуби бошقا моддаларни истемол қилиш, кимор ўйинларида, оммавий тартиб-сизликларда иштирок этиш, фохишалик, дарбадарлик, тиланччилик ёки гайриижимий хатти-ҳаракатнинг бошқа шакллари билан шугулланиш истагани пайдо қиласидиган;

одамларга ёки хайвонларга нисбатан зўравонлик ва шафқатсизлик қилиш мумкинлигини асослайдиган ёки оқлайдиган ёхуд зўравонлик хатти-ҳаракатларини амалга оширишга ундейдиган;

оилави қадриятларни инкор этадиган, ахлоқизликтин тарбиғ қыладыган, шунингдеги, ота-онасига ва оиласыннин бошқа азольарига нисбатан хурматсиз муносабатты шакллантирадыган;

ғайріконүнің хұлк-авторни оқладыган вәх үшкүбазарлық содир этишгап олиб келадын;

жамиятда бузгунчиллик ғояларини таргип этишига чакирадиган; уятли сүзларни ўз ичига олган; порнография хусусиятига бўлган ахбортони ўз ичига олган ва бошقا ах-бортот маҳсулоти киради..

Муайян ёш тоифаларидағи болалар
үртасида тарқатилиши чекланған ах-
борот маҳсулоти жумласига:
шафқатсизлик, жисмоний ва (ёки)

рүхий зүравонник, жиноят ёки жамиягта яарши бошقا хатти-харакатлар тасвири ёки баёни тарзида тақдим этилдиган;

болаларда күркүв, вахима ёки саросима ўйготадиган, шу жумладан, куч ишлатылмаган ўлимни, касаллникин, ўз жонига қаңд килишини, баҳтсиз ходисини, аварияни ёки фалокатни вакыт (ёки) уларниң оқибатларини инсоннан кадр-кимматини камситадиган шаклда тасвирилаш ёки баён этиш тарзида тақдим этилдиган;

— эркак ва аёл ўтасидаги жинсий муносабатларни тасвирлаш ёки баён этиш тарзида тақдим этиладиган;
— уялды сўйлар жумласига кирмайди.

үятли сузлар жумласига кирмаиди-
ган ҳақоратли сүзларни ўз ичига олган
ахборот маҳсулоти киради.

**БОЛАНГИЗНИ ЎЗ ҚҰЛІНГІЗ БИЛАН
ЧОХГА ТАШЛАМАЯПСИЗМИ?**

Ёшларни ана шундай ахборот хурулларидан ҳимоя қилишда Вазирлар Мажмасининг 2012 йил 21 майдаги 139-сонли қарори ва ушбу қарор билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларида мобил телефонлардан фойдаланиш тартиби тўғрисида"ги Низом мухим аҳамиятга эга бўлди. Бу хужоатларга кўра, идоравий мансублигидан қатъи назар, умумий ўрта, ўрта-максус, касб-хунар ва олий таълим муассасаларида мобил телефонлардан фойдаланиш тар-

ти белгиланди. Аммо мазкур норматив хуҗжаларнинг қабул қилиниши бу соҳада тўпланиб қолаётган муаммоларга хукукий ечим топиш, ҳал этиш имконини бермади. Гап шундаки, қайд этилган Низомда ёшларнинг мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юртларида таълим олиш жаҳарёнида уяли телефонлардан ўқув машгулотлари га ҳалақит бермайдиган даражада мақсадди фойдаланиш қоидаларини кўзда туттани холда айни пайтда, ҳатто бошлангич синф ўқувчилари туттиб келаётган кўп функцияли (интернет, телеграмм, одноклассники ижтимоий тармоқларига уланган) смартфонлардан оқилюна фойдаланиш тартуби эътибордан четда қолган. Ваҳоланки, кейинни йилларда ўқувчилар ўртасида урф бўлиб бораётган бундай қимматбахо мобил телефонларнинг болаларнинг маънавий, ахлоқий тарбиясига ҳам салбий таъсир қилиши ҳеч кимга сир эмас. Одатда ота-оналар болаларига телефон олиб беришларни улар билан доимий алоқада бўлиб туриш, улар устидан назорат ўрнатиш зарурити билан изоҳлашади. Аммо кейинги тадқиқотлар болалар телефондан алоқа воситаси сифатида эмас, балки ахборот олиш ва кўнгилочар томошлардан баҳраманд бўлиш мақсадидаги фойдаланадилар. Сир эмаски, телефонида ижтимоий тармоқлардан, ҳатто керакли маълумотларни олиб турган мижоз кўз ўнгидаги автоматик тарарада беъмани рекламалар, беҳаё суратлар очилиб, ўзини “кўз-кўз” қилишга тушади. Ҳар нарсага қизикувчи ўшлар бу рекламаларга бефарқ бўлмаслиги, оқибатида соатлаб ўша ахлоқизилик дунёсига шўнгуб кетиши ва аста-сенкини билан шунақа “томушалар”нинг кушандасига айланниб қолиши ҳеч гап эмас.

Адлия вазирлиги хузуридаги Хукукий сиёсат тадқиқот институти томонидан умумтаълим мактаблари ўқитувчилари ўртасида Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 15 майдаги “Болаларни уларнинг соғлигини зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни ижроси, хусусан, ўқувчиларнинг мактаб худудида уали телефонлардан фойдаланнислари хусусида социологик тадқиқот ўтказилди.

Тадқиқотда Тошкент шаҳридан 2 та ва Тошкент вилоятидан 3 та мактабдан жами 154 нафар педагог иштирок этди.



Комил СИНДАРОВ,
юридик фанлар доктори

ТЕЛЕФОНГА ҚУЛ БҮЛГАН БОЛАЛИК

Сўрномона таҳлилига кўра, сўровда иштирок этган ўқитувчиларнинг кўпчилиги юқоридаги Конун билан таниши бўлсалар-да, аммо унинг мазмун-моҳиятини етарлича тушунмасликлари, Конун талабларини амадга кўллаш кўнинмалари суст эканлиги маълум бўлди.

Тадбирда иштирок этган ўқитувчи-
ларнинг деярли ҳаммаси ўқувчилар-
нинг мактабда телефон олиб келишига
салбий муносабат билдиришган.

Таҳлиллар ўқувчиларнинг мактаба телефон олиб келиш кўрсаткичи шаҳар ҳамда қишлоқ мактабларида турлича экзантипни кўрсатди. Бундан ташқари, бу кўрсаткич бошланғич синфларда бироз паст бўлса, юқори синфларда анчагина баланд экзантиги маълум бўлди. Хусусан, таҳлил олиб борилиган 154 та бошланғич синфнинг 53 тасида (шулардан 10 таси шаҳар мактабида, 43 таси қишлоқ мактабида) ўқувчилар умуман телефон тутмасликлари маълум бўлди. 25 та синфда ўқувчиларнинг факат 10 фоизи телефондан фойдаланади. 24 та синфда эса ўқувчиларнинг 20-30 фоизи, 22 та синфда эса 40 фоизи уяли телефонга эга. 16 та синфда ўқувчиларнинг 60 фоизи, 4 та синфда 80 фоизи, 5 та синфда эса ўқувчиларнинг 100 фоизи мактабга телефон олиб келади. Шулардан, сенсорги телефонлар 5-6 синфларда ўртача 30-40 фоизини, 7-8 синфларда 50-60 фоизини, катта синфларда 80-90 фоизини ташкил қиласди.

"Синфингизда телефон, интернетта муккасидан кетган ўкучилар мавжудлимы?" деган саволга ўйитувчилардан 19 нафари "ха, синфда 1-2 та шунақа бола бир", деб жавоб берган бўлса, 22 та ўйитувчи эса синфда 3-4 та "телефон" касалига чалинган болалар мавжудлигини маълум қилиган. Энг ачинарлиси, 8 та синфдаги болаларнинг 30 физиодан ортиги телефон, интернетта муккасидан кетганингизни кўрсатган.

"Болаларни заарлар ахборотдан химоз кишиш, интернет, телефон қарамлигидан куткариш учун нима кишиш лозим?", деган саволга сўровда иштирок этганлар 42 та ҳолатда интернетни тақиқлашни, 97 та ҳолатда "хукукий иммунитет"ни оширишни, 140 та ҳолатда болаларда китобга меҳр кўйдиришни, 106 та ҳолатда мъянавий-мъарифий тадбирларни чукайтиришни, 99 та ҳолатда "Хукук асослари" фани соатларини кўпайтиришни, 140 та ҳолатда болаларнинг мактабга сенсорли телефон олиб келишини тақиқлашни, 73 та ҳолатда дунёйни билимлар билан бирга дин асосларини ўқитишни йўлга кўйишни таклиф этганлар.

Президентимизнинг Германияга ташрифи: **ХАЛҚАРО МАЙДОНДАГИ** яна бир дадил қадам

“ЎЗБЕКИСТОН билан Германия ўртасидаги кўй томонлами ҳамкорликни ҳукукӣ жиҳатдан кўллаб-куватлаши, халқларимиз манфаатини таъминлашда парламентлар муҳим ўрин тутади”. Президентимиз 2019 ишл 20-23 январь кунлари Германия Федератив Республикасига расмий ташрифи доирасида ушбу мамлакат Бундестаги Раиси Вольфганг Шойбле билан бўлиб ўтган учрашууда шу фикрларни билдири.

РЕЙХСТАГ ДЕВОРИДА “ТОШКЕНТ”, ДЕГАН ЁЗУВ БОР

Президент Шавкат Миризиеев билан Бундестаг Раиси Вольфганг Шойбле учрашуви Германия Бундестагининг тарихий биноси хисобланувчи Рейхстагда бўлиб ўтди. Учрашуудан один давлатимиз раҳбари учун Рейхстаг бўйлаб саёҳат ташкил этилди.

Рейхстаг олис ўтишига эга бўлиб, Германийн боғ ва мурakkab тарихи ҳамда бугунги ёрқин ҳаётининг ўзига хос тимсолидир. “Рейхстаг” сўзининг лугавий маъноси “давлат маъжислари биноси”, деган тушунчани англатади. Бу атама Германиядаги XII асрдаги урга кирган бўлса-да, Рейхстаг биноси пойдевориа илк гишт 1884 ишл 9 июнда Кайзер Вильгельм I томонидан ўйлган. Шундан сўнг франкфуртлик мохир меъмор Паул Волот мухташам меморий обидани 10 ишл ичизда бўнед эттан.

Рейхстаг тарихи ҳақида сўз боргандага, шунингдек, бу кўркам иморат бир неча бор вайрон этилганда ва қайта тилкагани, 1916 ишл — Биринчи жаҳон уруши даврида бино пештоқига “Немис ҳалқига”, деган маҳобатли шиор битилганини қайд этиш лозим. 1918 ишл Веймар республикаси эълон қилинганида, Рейхстаг унинг ҳоҳимияти марказига алганган.

Бу ёрда Германия империяси сўнгра Веймар республикасинин қонун чиқарувчи ҳоҳимияти органни хисобланган Рейхстаг фаолият олиб борган. Иккичини жаҳон уруши оқибатида, 1945 ишл Собиқ совет давлати Германия парламенти биносини гитлерчиларнинг асосий рамзи, деб эълон қилиган. Шундан кейин Рейхстаг ишгол қилинган ва ишни пештоқига ғалаба байроғи ўрнатилишган.

Кейинчалик Рейхстаг биноси тубдан таъмирланган. Рейхстаг яқинидан ўтган Берлин девори олиб ташланган. Айни чогда, Рейхстаг деворларида совет аскарлари битган ёзувлар, хусусан, бундан 74 ишл илгари номаъумъ ҳамюратимиз томонидан ёзиз қолдирилган “Тошкент” сўзи ҳам ҳалигача сақланни турибди.

Бу ўт Веймар республикаси тузилаганига 100 ишл тўлади, — деди Ўзбекистон Президентини Рейхстаг заллари билан таънишириш асосида Бундестаг Раиси. Германия тарихидан шонли воқеалар билан бирга қора доғлар ҳам кўп. Гитлер ва фашистлар содир этган жинотларни, нацизм ва Освенциум фожиаларини унүтиш бўлмайди. Шундай экан, тарихдан тегишича тўғри хулоса чиқариш керак.

БУНДЕСТАГ

Рейхстаг биносида 1999 ийдан бўён Бундестаг фаолият олиб бормоқда. Бундестаг Германийнинг бир палатали парламенти бўлиб, қонунлар қабул қилишдан ташкири Федорал канцлерни сайлаш ҳамда ҳукумат фаолияти устидан парламент нозоратини амалга ошириш каби мухим функцияларни ҳам бажаради.

Ўзбекистон ва Германия парламентла-



Акмал САИДОВ,
Олий Мажлис Қонунчиллик палатаси
Демократик институтлар, нодавлат
ташқилотлар ва фуқароларнинг
ўзини ўзи бошқариш органлари
қўмитаси раиси

томондан инсон қадр-қиммати улугланса, иккичин томондан давлат ҳоҳимияти инсон ҳукуклари, эркинликлари ва қонуни манфаатларини таъминлашга мажбур экани мустаҳкамлаб ўйилган.

Ўзбекистонда Германия Ҳоссий қонунига нисбатан қизишик ушбу мамлакатининг илмий-техник тараққиёт соҳасидаги ва маҳсулотларни ҳаҷабларидаги иотукларни ўрганиш иштиёқи каби табиий эканлиги бежиз эмас. Зеро, бутун Германия Ҳоссий замон цивилизациясининг барча кўрсатичлари бўйича иктиномий-иктисодий ривожланишнинг юқсан босқичига эришган мамлакат сифатида дунёда етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турибди.

Испоҳотларни кўпчилик қўллаб-куватлаши билан бирга, ҳар қандай янгиликларни қарши чиқувчилар ҳам доим учраб туриши табиий, — деди давлатимиз раҳбари. — Башлаган ўзгаришларни инсон ҳукуклари устуворлигини таъминлашга, давлат идораларининг ҳалқ манфаатлари ийлида хизмат қилишига қартилган. Бундестаг таърибасини ўрганиш учун Германиянега келтган эсмада. Уша пайтда Ўзбекистонда парламентаризм таърибаси ҳали үтилгич шаклланмаган эди.

Бундестаг милий тараққиётнинг тарихий даври — туб янгиланишлар босқичига қадам қўйди. Мамлакатимизда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасинын ривожлариниң бешта устувор ўйналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ўтилди. Бундестаг таърибаси ҳали қилинди ва ҳаётта изчил татбиқ этилмоқда.

Бугунги Олий Мажлис янчча парламентидар, чунки депутатларимиз ўз сайловчиларининг ҳоҳим-иродасини ҳисбога олиб, бевосита ҳалқ билан ишлай бошлади, — деди Ўзбекистон Президенти. — Айни пайтда, парламент ваколатларни изил кенгайтирилиб, ҳатто Президент ваколатларининг айримлари ҳам Олий Мажлисга ўтишиб берилмоқда. Бинобарин, милий тараққиётнинг ҳозирги ўзига хос ўтиш босқичида буларнинг барчаси ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Бундестаг Раиси Ўзбекистонда демократик ҳукукий давлат ва кучли фуқаролик жамиятни барпо этиш борасида рой берадиган ўзгаришларни юкори баҳолади. Унинг фикрича, “Германия таърибаси шуни кўрсатади, демократик тизимга фақат ҳукукий давлат асосида ёришиш мумкин”.

Парламент демократия асосидир, — деди Вольфганг Шойбле. — Қолаверса, парламент жамият кўзгуси ҳамдир. Парламент фаолиятида демократияга, яъни кўпчиликнинг овозига таянган ҳолда, очилик, демак-ки муҳолифатнинг фикрини ҳам эътиборга олиш тақозо этилади. Бундестагдаги сиёсий партиялар фракциялари аҳоли барча қатламларининг манфаатларини нафоён этиди.

Бундестагда плорализм, яъни кўп фикрлишка таянган ҳолда мунтазам қизигин бахс-мунозаралар бўлиб ўтади. Бу, ўз навбатида, консенсус асосида адоплати қонунлар қабул қилинини таъминлашади. Адоплати қонунлар тўлақонли бажарилшини ва кутилган самара бериши учун эса ижро ҳоҳимияти, яъни ҳукумат кучли ҳамда салоҳиматли бўлиши таълаб этилади.

МУҚОЯСА ЁХУД ҚИЗГИН МУЛОҚОТЛАР..

Мулоқот давомиди Президентимиз Германия Асосий қонунининг 1-моддаси Ўзбекистонда илгари сурилган “Халқ давлат органларига ҳизмат қилиши керак” шиори билан ҳамоҳанг эканига ўтибор қаратди. Чунки ушбу модда нормаларида ҳам, бир

АЙНИ баҳор фаслининг қүёшли кунлари Жаббор (мақоладаги барча исм-фамилиялар ўзгартрилган) озодликка чиқарилди. Лекин у бу кунларнинг қадрига етармикан, ҳамма гап шунда. Жаббор охирги йилларда умрининг кўп қисмини панжара ортида ўтказди, бунга сабаб эса турли жиноятларга кўл урганлиги эди. Инсонпарварлик тамойиллари асосига курилган қонунларимиз Жабборни яна орамизга қайтарди. Лекин...

Куч-куватта тўлган, ҳалол меҳнатта кириша уддасидан чиқадиган ёшдаги "қаҳрамон"имиз яна қынғир йўлар сари от согди. Ишни Сабоҳат билан танишишдан бошлади. Ўзини Ёшлар иттифоқининг раиси ва шу билан бир вақтда депутат эканлигини айтган Жабборнинг ови бароридан кела бошлади. Кунларнинг бирорида Сабоҳат тадбиркор дугонаси Саида билан учрашиб қолади. Узаро сұхбат давомида Саида ўзининг тикув зекенин кенгайтириш режаси борлигини, аммо югурунгурларга вақти бўлмайтанигини айтиб қолади. — Агар хоҳласан менинг бир танишим бор, ҳам Ёшлар иттифоқининг раиси, ҳам депутат бўлиб ишпайди, — дей гап қотади Сабоҳат. Хуллас бу гап Саидага ҳам хуш ёқади, улар Жаббор билан учрашади. Жаббор бу иш 1400 АҚШ доллариға тез ва сифатли битишни айтиди. Саида кўринишдан кўли узаттан жойга етадиган бўлиб кўринган Жабборга сўраган пулни беради.

Саида учун энди ўзи хоҳламаган югурундан ҳам азобироқ кутиш ва ёлғон ваддапарга ишониш кунлари бошланди. Жаббор эса кўлга киритган "ўлжа"-сими хазм қилиб, навбатдаги "ов"га тарафдуд кўра бошлади.

ЭНДИ У "ҲОКИМ ЎРИНБОСАРИ"ГА АЙЛАНДИ

Жаббор бир думалади-ю, "шашар ҳокимининг ўринбосари"га айланди, у Чилонзордаги кабобхоналарнинг бирорида кабобхўрлик қилди. Тановулдан сўнг "ҳоким ўринбосари" кабобчими чакириб, у билан танишиш нияти борлигини айтиди:

— Мен Тошкент шашар ҳокимлигига ҳоким ўринбосари ва Ёшлар иттифоқида умумий масалалар бўйича бош маслаҳатчи лавозимидаги фолият олиб бораман. Жойларга чиқиб тадбиркорларнинг муаммоларини ўрганиб юрибман, сенда муаммолар йўқми?

— Аввало, менинг кўз илгамас кабобхонамга келганингиздан хурсандман. Шу, дессангиз, бизнинг жойимиз бузилиши режасига кириб қолибди. Кўриб турганинг гиздек, ёнимизда бузиш исхарини олиб бораётган аванис кранлар эрта-индин менинг кабобхонамга ҳам етиб келади. Шунга нима қилсан экан, деб бошим қотиб турибди...

Ҳа, Жабборнинг бу сафар ҳам кетмомни учди. Кабобчи Журъат ҳоким ўринбосари ва Ёшлар иттифоқида "бош

маслаҳатчиман", деб танишиштаган аслида ҳеч ким бўлган Жабборнинг найрангларига учди-кўди. Жаббор Журъатдан кабобхонани сақлаб қолиш ва унга эгалик ҳуқуқини олиб бериси учун аввалига 300 000 минг сўм, орадан бир из вақт ўтган 300 АҚШ доллари олади. Эгалик ҳуқуқи тўғрисидаги ҳуҗатлардан эса ҳавога учгандек дом-дарак бўлмайди.

«ФАНТАМАС» ҚЎЛГА ТУШДИ

Бир тарафда Сабоҳат билан Саида, яна бир ёнда эса Журъат сарсону саргардон бўлди. Улар шу вақтгача вадда қилинган ишнинг натижасини кутиб яшаган бўлса, энди Жабборнинг ўзини ҳам йўқотиб кўйиши. Жаббор эса на вадда қилинган ишни бажариши ўйлади, на олган пулларни қайтариши.

Тоқати тоқ бўлган Саида ва Сабоҳат аввалига ўзлари истиқомат қилаётган туман Ёшлар иттифоқига бориб, Жабборни сўради. У ергалирдан бизда унақ одам ишламайди, деган жавобни олган тадбиркор дугоналарнинг хавотири янада ортди. Шундан сўнг, бошқа туман-

лар ёшлар иттифоқларидан ҳам сўраб чиқиши, аммо ҳеч бир туман Ёшлар иттифоқида Жаббор, деган раис йўқлигини билган дугоналар охир-оқибат Яккасарой туман ИИБга мурожаат қилишиди.

Айни шу кунларда кабобчи Журъат ҳам Жабборнинг аслида фирибгар эканлигини англаб етди. Ва у ҳам Чилонзор туман ИИБга дардими тўкиб солди. Шундан сўнг ички ишлар идоралари ходимлари саъй-ҳаракати билан Жаббор кўлга олниди.

Шу ўринда "Фантамас" фильмни ёдга тушади. Ўша фильmdаги бош қаҳрамон Фантамас юзига ниқоб кийиш орқали турли шахслар қиёфасига кириб, ўзининг жинойи ҳаракатларини амалга оширади. Бизнинг "қаҳрамон"имиз Жабборнинг ўша фильmdаги Фантамасдан нима фарқи борлигини биласизми? Жаббор юзига ниқоб кийимасдан ҳам Ёшлар иттифоқи раиси, депутат, ҳоким ўринбосари каби мансабдор шахсларга айланга олди.

ФИРИБГАРГА ҲУҚМ ЎҚИЛДИ

Жиноят ишлари бўйича Чилонзор туман судининг 2018 йил 18 декабрда Тошкент 2-юридик коллежи биносида очик суд мақлиси бўлиб ўтди. Ўнда Жаббор Ҳайдаровнинг жинойи ҳаракатлари кўриб чиқиши. Ж.Ҳайдаров бундан олдин ҳам бир неча бор жиноята кўл уриб камалганлиги, давлатимиз томонидан унга имконият берилбди бир неча бор озодликка чиқарилганлиги, аммо бу имкониятлардан оқилона фойдаланиш ўрнига у яна қайта-қайта жиноята кўл урнаглиги эътироф этилиб, жиноятчига узок муддатли жазо тайинланди.

Зоир КАМОЛОВ,
жиноят ишлари бўйича
Тошкент шашар суди судъяси,
Ёрбек ИСКАНДАРОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Дастурхонга тортилган ҚОНЛИ ТАОМ

ИНСОН борки, умрининг ҳар бир дақиқасидан унумли фойдаланиб, эзгу мақсадлар билан яшайди, элу юртга наф келтирсан, дейди. Аммо афсуски орамизда умрини фақат қабиҳ ишларга сарфлаб, ўз бошига, яқинларига ва ён-атрофидагиларга кулфат келтирадиган кимсалар ҳам учраб туради. Уларнинг қилимшиларини эшитганда беихтиёри Ҳазрати Алишер Навоийнинг "Одам борки одамларнинг нақшидур, одам борки ҳайвон ундан яхшидир", деган байти хаёлимиздан ўтади.

Мана шундай одатдаги муаммоли кунларнинг бирорида Валерий бир неча бор судланиб чиқсан Жиянбов Павел ва Шербеков ўқтам билан хилват хибонда валақалишиб бир шиша ароқни бўшатди. Иккиси таъсирида ўзини шир билган Валерий ўтгамга дўйондан уч шиша пиво келтиришни буюрди: — Айт, менинг номимга кўримасдан ёзб ювьерсан. Зартага ҳамма қарзларимга қўшиб тўлайман. "Нима хазина топдингиз?", деган ҳамтоварларига қараб, "шундай деса ҳам бўлавадери", дей сирли ишайди.

Буғун эрталаб онасидан эшитган хабарни унга гўёки катта ҳазине вадда қилаётгандек тинчлик бермасди. — Қачонгача менинг гардандан тикинхор бўлиб яшайсан? Бир жойда ишласан ўлсанни?, — дей ёғирди Раиса опа.

— Қара, Мария холантининг кизи қайсиидир бир заводда ишлаб, онасига ҳар ойда каттагина пул жўнатади. Машанинг егани олдида, емагани ортида, маза қилиб яшавти. Мен-чи?... Сенинг дастингдан, кўрган куним курсин.

Валерийни хўйгайтадиган онасидан кўра, Мария холантин пулни дикжатни торти. Бу жаҳда кўпроқ маълумот олиши ниятида ўсмокидалди:

— Ким нима, деса ишонаврасизми? Шунчаки гаплир-да...

— Маша холантекорга гапирмайди. Кечак дўйонда ўз кўзим билан кўрдим, кўлида бир даста пул. Анчага нарсаларни ҳарид киради. Кизи яхши ёб-ичин: ўзинига учун пулни аяманг, деганиши. Сен булсанг...

Валерийни онаизорининг охирги сўзларини эшитмайди ҳаёлида чиркян режаларни пишишиб бўлганди. Ҳозир ўша қабих ниятини ҳамтоворклари ошкор киради. Улар ҳам ҳеч иккимизни бу ишга рози бўлди.

Режага мувоғик, Павел ва ўқтам

